**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

# *5231300 – Пенсия иши* бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари

**Тошкент – 2017**

ЎзР ОЎМТВ
Буйруқ № 603
«24» 08 2017 йил

# СЎЗ БОШИ

**1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини Ривожлантириш маркази;
- Тошкент молия институти.

**2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил «24» август даги 608 - сонли буйруғи.

**3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур малака талабни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

# МУНДАРИЖА


| Т/р | | бет |
|---|---|---|
| **1.** | ***5231300–Пенсия иши*** **бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи** ........................................................ | **4** |
| 1.1. | Қўлланиш соҳаси ........................................................................ | 4 |
| 1.2. | *5231300–Пенсия иши* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи ................................................ | 4 |
| **2.** | ***5231300–Пенсия иши бакалавриат*** **таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар** .............................................. | **6** |
| 2.1. | Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар ........................................................................ | 6 |
| 2.2. | *5231300–Пенсия иши* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари ........................................................................ | 7 |
| **3.** | ***5231300–Пенсия иши*** **бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар** ........................................................................ | **9** |
| 3.1. | Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар ........................................................................ | 9 |
| 3.2. | *5231300–Пенсия иши* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми ........................................................ | 11 |

# 1. *5231300 – Пенсия иши* бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи

***5231300 – Пенсия иши*** бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг ўқув режа ва фан дастури асосида амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга “бакалавр” малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) берилади.

Ўқув режа ва фан дастурининг меъёрий муддати ва мос малака (даража)си 1-жадвалда келтирилган.

**1-жадвал**

**Ўқув режа ва фан дастурининг муддати ва битирувчиларнинг малака(даража)си**

| **Ўқув режа ва фан дастурининг номи** | **Малака (даража)** | **Ўқув режа ва фан дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати** |
|---|---|---|
| Бакалавриатнинг ўқув режа ва фан дастури | Бакалавр | 4 йил |

**1.1. Қўлланиш соҳаси**

**1.1.1.** Олий таълимнинг ушбу малака талаби ***5231300 – Пенсия иши*** бакалавриат таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

**1.1.2.** Олий таълим муассасаси мазкур бакалавриат таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаб асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

**1.1.3.** Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг педагог ходимлари;

– таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

– ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув-услубий бошқарма бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

– битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

– олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

– таълим йўналишини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

**1.2. *5231300 – Пенсия иши* бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи**

**1.2.1. *5231300 – Пенсия иши* бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:**

***5231300 – Пенсия иши*** бакалавриат таълим йўналиши – фан ва иқтисодий соҳадаги йўналишлар бўлиб, у пенсия иши, давлат мақсадли жамғармалари фаолияти ва жамғариб

бориладиган пенсия таъминотини ташкил қилиш, бюджет тизими бюджетлари, касса, ҳисоб-китоб, ғазначилик иши, бюджетдан молиялаштириш, молиявий назорат, давлат молиявий ресурсларини бошқариш билан боғлиқ комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

**1.2.2. *5231300 – Пенсия иши* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

– Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, унинғ ҳудудий ва маҳаллий бўлинмалари;

– Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари;

– Ўзбекистон Республикаси Марказий банки;

– Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки ва бошқа тижорат банклари;

– ижтимоий соҳа муассасалари, ташкилотлари ва уларнинг юқори бошқарув органлари;

– давлат мақсадли жамғармалари;

– давлат ҳокимияти органлари;

– турли мулк шаклидаги корхоналар;

– молия-банк соҳасида хизмат кўрсатувчи ташкилотлар;

– молия-кредит бозорида фаолият юритувчи муассасалар.

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари ва соҳа мутахассисларининг таклиф ва талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

***5231300 – Пенсия иши* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолияти қуйидагиларни қамраб олади:**

– давлат пенсия таъминоти ва жамғариб бориладиган пенсия таъминоти фаолиятини ташкил этиш;

– ижтимоий соҳа муассасалари ва ташкилотларининг молиявий-хўжалик фаолиятини ташкил этиш, таҳлил қилиш ва самарали бошқариш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

– бюджетдан ташқари Пенсия жамгармаси ва бошқа мақсадли давлат жамғармалари бюджетлари лойиҳасини тузиш, уларнинг молиявий ресурслари ҳажми ва шаклланиш манбаларини аниқлаш, молиявий-иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилиш;

– давлат пенсиялари ва ижтимоий нафақаларни тайинлаш, ҳисоблаш ва тўлашни ташкил этиш;

– Пенсия жамғармаси ва бошқа мақсадли давлат жамғармалари ижросини ташкил этиш, улар бюджетлари прогнозларини ишлаб чиқиш ва харажатларини режалаштириш;

– пенсия таъминоти тизимидаги ислоҳотларнинг асосий йўналишлари ва уларни амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиш;

– пенсия тизимининг фаолияти бўйича илғор халқаро тажрибаларни таҳлил қилиш ва хусусий пенсия фондларини ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш ва такомиллаштириш;

– Пенсия жамғармаси ва бошқа мақсадли давлат жамғармалари фаолияти самарадорлиги юзасидан хулосалар чиқариш ва унга баҳо бериш.

**1.2.3. *5231300 – Пенсия иши* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари**

*– Молиявий-иқтисодий фаолият;*

*– Ҳисоб, таҳлил ва назорат;*

*– Ташкилий-бошқарув фаолияти;*

*– Илмий-тадқиқот;*

*– Педагогик (умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида)*

*– консалтинг хизмати фаолияти ва шу кабиларни ўз ичига олади.*

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият турларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

Таълим йўналиши бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

**1.2.4. Таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий мослашув имкониятлари**

Таълим йўналиши бўйича бакалавр педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан сўнг ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида махсус фанларни ўқитиши мумкин.

**1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари**

*5231300 – Пенсия иши* бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин *5А231301 – Пенсия иши* ва бошқа тегишли иқтисодиёт соҳаларини қамраб олувчи магистратура мутахассисликлари бўйича икки йилдан кам бўлмаган муддатда ўқишни давом эттириши мумкин.

## 2. *5231300 – Пенсия иши* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар

**2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар**:

– дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши, гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини, давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;

– Ватан тарихини билиши, маънавий миллий ва умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай олиши, миллий истиқлол ғоясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлиш;

– табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиш;

– инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга ва атроф-муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ҳамда маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиш;

– ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касбий фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;

– тегишли бакалавриат таълим йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиш;

– янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;

– хорижий тилларни эркин сўзлашув даражасида эгаллаган бўлиши;

– соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тассаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш укув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.

**Бакалавр:**

– таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;

– тегишли бакалавриат йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;

– кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими учун тайёрланади.

**2.2. *5231300 – Пенсия иши* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари**

**Молиявий-иқтисодий фаолиятда:**

– давлат иенсия таъминоти ва жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимини бошқариш, бюджет-солиқ соҳасини ислоҳ қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунларини, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларини билиш;

– Пенсия жамгармаси ва бошқа мақсадли давлат жамғармалари бюджетларининғ асосий иқтисодий кўрсаткичларини ҳисоб-китоб қилиш учун зарур дастлабки маълумотларни тайёрлашда иштирок этиш;

– Пенсия жамғармаси ва бошқа мақсадли давлат жамғармалари бюджетлари прогнозларини ишлаб чиқиш мақсадида молиявий кўрсаткичларни ҳисоблаш усулларини (математик моделлаштириш, эконометрик прогнозлаш, эксперт баҳолари, трендлар ва сценарийларни тайёрлаш) қўллаш;

– келгусида Пенсия жамгармаси ва бошқа мақсадли давлат жамғармалари бюджети ресурсларининғ ҳажми ва уларни шаклланиш манбаларини аниқлаш бўйича ҳисоб-китобларни юритиш;

– Пенсия жамғармаси ва бошқа мақсадли давлат жамғармалари бюджетлари лойиҳасини тузишда қатнашиш;

– Пенсия жамғармаси ва бошқа мақсадли давлат жамғармалари иқтисодий кўрсаткичларини ҳисоблаш усулларини қўллаш ***қобилиятларига эга бўлиши лозим.***

**Ҳисоб, таҳлил ва назорат фаолиятида:**

– касбий фаолият соҳаси бўйича қўйилған масалаларни ҳал қилиш учун зарур статистик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш усулларини билиш;

– ҳисоб-китобларни таҳлил қилиш ва ўз ечимини асослаш, молиявий ва иқтисодий маълумотларни қайта ишлаш учун турли воситалардан фойдаланиш;

– зарурий статистик маълумотларни тўплаш, уларни қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва талаб этилган таҳлилий ҳисобот ёки умумлаштирилган қисқача маълумот шаклида тақдим этиш;

– молиявий-иқтисодий жараёнларнинг тавсифи асосида стандарт шаклдаги, назарий ва эконометрик моделларни яратиш, улардан олинган натижаларни таҳлил қилиш ва изоҳлаб бериш;

– Пенсия жамғармаси ва бошқа мақсадли давлат жамғармалари бюджетларини ижро этишда бюджет ҳисобини юритиш ва ташкил этиш, халқаро стандартлар асосида бюджет ҳисоботини шакллантириш ва тақдим этиш;

– Пенсия жамғармаси ва бошқа мақсадли давлат жамғармалари бюджетлари прогнозларини тузиш ва харажатларини режалаштириш учун бухгалтерия, молиявий ва бошқа ахборотларни таҳлил қилиш ва шарҳлаш;

– ички ва ташқи таъсир омилларини ҳисобга олган ҳолда молиявий кўрсаткичларнинг ўзгариш тенденцияларини ва динамикасини таҳлил қилиш, бюджет-солиқ соҳасидаги рискларни баҳолаш;

– давлат пенсия таъминоти ва жамғариб бориладиған пенсия тизимининг ривожланиш тенденцияларини кўрсатиш учун зарур бўлған ахборотларни шарҳлаш ва таҳлил қилиш;

– хорижий ва миллий маълумотлардан фойдаланган ҳолда пенсия тизимининг фаолияти бўйича илғор халқаро тажрибаларни таҳлил қилиш;

– таҳлилий масалаларни ҳал қилишда замонавий ахборот технологиялари ва техник воситаларидан фойдаланиш;

– ҳудудий ва корпоратив ахборот тизимларидан самарали фойдаланиш, ахборот технологиялари хизмати билан ўзаро боғлиқ бўлган фаолият доирасидаги маълумотларни ҳимоялаш ва қайта ишлаш усулларини ҳамда дастурий воситаларни билиш;

– потенциал истеъмолчиларни маслаҳат хизмати фаолиятидан фойдаланишга, қизиқтиришга, турли масалаларни маслаҳат учун ажратишга, маълум ҳолатларда экспертизани амалга ошира олиш, умуман, маслаҳат фаолиятига доимо тайёр бўлиш ***қобилиятларига эга бўлиши керак***.

**Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

– пенсия, бюджет-солиқ соҳасида қўлланиладиган турли тартиблар, усуллар, стандартлар ишлаб чиқишда қатнашиш;

– Пенсия жамғармаси ва бошқа мақсадли давлат жамғармалари даромадлари ва харажатлари ижросини ташкил этиш, улар тақчиллигини қоплаш манбаларини жалб қилиш бўйича иш юритиш;

– Пенсия жамғармаси ва бошқа мақсадли давлат жамғармалари бюджетларини ўрнатилган тартибда касса ижросини амалга ошириш;

– Пенсия жамғармаси ва бошқа мақсадли давлат жамғармалари бюджетларини касса ижроси ҳисобини юритиш, жамгармалар маблағларини бошқариш;

– Пенсия жамғармаси ва бошқа мақсадли давлат жамғармалари бюджетлари лойиҳасини тузиш ва уларни ижро этиш босқичларида давлатнинг молиявий назорат усуллари ва механизмини билиш;

– давлат молиявий назорати хизмати томонидан амалга ошириладиган молиявий назоратнинг турлари, усуллари ва шаклларини билиш;

– жамғариб бориладиган пенсия тизими фаолиятида ишлаш;

– Пенсия жамғармаси ва бошқа мақсадли давлат жамгармалари бюджетларини тузиш ва ижро этишда ички тартиб ва стандартларни ишлаб чиқиш ҳамда уларга риоя қилиниши бўйича назоратни юритиш;

– Пенсия жамғармаси ва бошқа мақсадли давлат жамғармалари маблағларидан фойдаланиш самарадорлиғини оширишга қаратилган чора-тадбирларни ташкил этиш ва тайёрлаш, Пенсия жамғармаси ва бошқа мақсадли давлат жамғармалари ҳамда жамғариб бориладиган пенсия таъминоти ҳисобини юритиш ва ҳисоботини тузиш ***қобилиятларига эга бўлиши лозим.***

**Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

– илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда таълим йўналишларидаги фанлар ва уларни ўқитиш методикасига оид мавзуларда тадқиқот олиб бориш

– интернет тармоғида янги илмий ва технологик ютуқлар ҳақидаги маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш;

– тасдиқланган давлат таълим стандартларидан ва ўқув-услубий материаллардан фойдаланган ҳолда умумий ва касб-ҳунар таълими муассасаларида молиявий-иқтисодий фанлардан таълим бериш;

– таълимнинг инновацион усулларини қўллаган ҳолда молиявий-иқтисодий фанлардан ўқув-услубий таъминотни ишлаб чиқишда қатнашиш;

– илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш жамоаси таркибида (тайёрланганлик профилиға мос равишда) касбий фаолият масалаларини ечиш ***қобилиятига эга бўлиши керак***.

**Педагогик фаолиятида (умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида):**

– умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим тизимининг таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича иқтисодий фанлардан замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб, назарий ҳамда амалий машгулотларни ўтказиш;

– ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига кўмаклашиш, тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш;

– ҳудудий ва корпоратив ахборот тизимларидан самарали фойдаланиш, ахборот технологиялари хизмати билан ўзаро боғлиқ бўлган фаолият доирасидаги маълумотларни ҳимоялаш ва қайта ишлаш усулларини ҳамда дастурий воситаларни билиш;

– потенциал истеъмолчиларни маслаҳат хизмати фаолиятидан фойдаланишга, қизиқтиришга, турли масалаларни маслаҳат учун ажратишга, маълум ҳолатларда экспертизани амалга ошира олиш, умуман, маслаҳат фаолиятига доимо тайёр бўлиш ***қобилиятларига эга бўлиши керак***.

**Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

– пенсия, бюджет-солиқ соҳасида қўлланиладиган турли тартиблар, усуллар, стандартлар ишлаб чиқишда қатнашиш;

– Пенсия жамғармаси ва бошқа мақсадли давлат жамғармалари даромадлари ва харажатлари ижросини ташкил этиш, улар тақчиллигини қоплаш манбаларини жалб қилиш бўйича иш юритиш;

– Пенсия жамғармаси ва бошқа мақсадли давлат жамғармалари бюджетларини ўрнатилган тартибда касса ижросини амалга ошириш;

– Пенсия жамғармаси ва бошқа мақсадли давлат жамғармалари бюджетларини касса ижроси ҳисобини юритиш, жамғармалар маблағларини бошқариш;

– Пенсия жамғармаси ва бошқа мақсадли давлат жамғармалари бюджетлари лойиҳасини тузиш ва уларни ижро этиш босқичларида давлатнинг молиявий назорат усуллари ва механизмини билиш;

– давлат молиявий назорати хизмати томонидан амалга ошириладиган молиявий назоратнинг турлари, усуллари ва шаклларини билиш;

– жамғариб бориладиган пенсия тизими фаолиятида ишлаш;

– Пенсия жамғармаси ва бошқа мақсадли давлат жамғармалари бюджетларини тузиш ва ижро этишда ички тартиб ва стандартларни ишлаб чиқиш ҳамда уларга риоя қилиниши бўйича назоратни юритиш;

– Пенсия жамғармаси ва бошқа мақсадли давлат жамғармалари маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни ташкил этиш ва тайёрлаш, Пенсия жамғармаси ва бошқа мақсадли давлат жамғармалари ҳамда жамғариб бориладиган пенсия таъминоти ҳисобини юритиш ва ҳисоботини тузиш ***қобилиятларига эга бўлиши лозим.***

**Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

– илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда таълим йўналишларидаги фанлар ва уларни ўқитиш методикасига оид мавзуларда тадқиқот олиб бориш

– интернет тармоғида янги илмий ва технологик ютуқлар ҳақидаги маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш;

– тасдиқланган давлат таълим стандартларидан ва ўқув-услубий материаллардан фойдаланган ҳолда умумий ва касб-ҳунар таълими муассасаларида молиявий-иқтисодий фанлардан таълим бериш;

– таълимнинг инновацион усулларини қўллаган ҳолда молиявий-иқтисодий фанлардан ўқув-услубий таъминотни ишлаб чиқишда қатнашиш;

– илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш жамоаси таркибида (тайёрланганлик профилига мос равишда) касбий фаолият масалаларини ечиш ***қобилиятига эга бўлиши керак***.

**Педагогик фаолиятида (умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида):**

– умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим тизимининг таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича иқтисодий фанлардан замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб, назарий ҳамда амалий машғулотларни ўтказиш;

– ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига кўмаклашиш, тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш;

– ўқитилаётган фанлар бўйича дарс машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни шакллантириш, тузиш ва ўқув жараёнига татбиқ этиш;

– мустақил таълим ва ижодий ёндашув орқали педагогик фаолият соҳасида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш ***қобилиятларига эга бўлиши лозим.***

## 3. *5231300 – Пенсия иши* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

***5231300 – Пенсия иши*** бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабаларнинг қуйидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутиши зарур:

– гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий;

– математик ва табиий-илмий;

– умумкасбий;

– ихтисослик;

– қўшимча.

Касб фаолияти кўникмаларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилиши назарда тутилиши шарт.

Ўқув режалар мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган, кадр истеъмолчиларнинг ёки бошқа соҳа мутахассисларининг таклифлари асосидаги фанларни ҳам ўз ичига олиши шарт.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши лозим. Ўқув режага киритиладиган ихтисосликка оид фанларнинг амалий машғулотлари ва лаборатория ишлари олий таълим муассасаси ҳамда бюджетдан ташқари Пенсия жамгармасида ўтказилади.

Назария ва амалиёт яхлитлигини таъминлаш учун талабаларнинг малакавий амалиётлари бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасида ўтказилади.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

### 3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

**Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар блоки:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режаларидаги гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар блокига қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади.

**Математик ва табиий-илмий фанлар блоки:**

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан узвийлик ҳамда узлуксизликни инобатга олган ҳолда билишнинг математик усуллари, мураккаб иқтисодий тизимлар ва жараёнларни моделлаштириш тамойиллари, ахборот тўплаш, уларни қайта ишлаш ва узатиш усулларининг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида олий даражадаги тасаввурларни шакллантириши;

табиий фанларнинг ўзаро фундаментал бирлиги; замонавий табиий ҳодисаларни тадқиқ этиш концепцияси; табиатдан оқилона фойдаланиш ва инсон фаолиятининг экологик тамойиллари; табиатга путур етказмайдиган технологиялар яратиш истиқболлари ҳақидаги илмий тасаввурларни шакллантириши;

таълим йўналиши учун зарур бўлган фундаментал фанларни чуқур ўрганишнинг илмий ва назарий асосларини таъминлаши;

коинотнинг табиий объект эканлиги ва унинг эволюцияси ҳақидаги илмий тасаввурларни шакллантириш лозим.

**Умумкасбий фанлар блоки:**

– математик ва табиий-илмий фанлар билан махсус фанлар ўртасида илмий ва назарий боғлиқликни таъминлаши;

– таълим йўналиши ихтисослик фанларини ўрганиш ва чуқур эгаллаш учун зарур бўлган фундаментал умумкасбий билимларни, амалий кўникма ва уқувларни шакллантириши;

– таълим йўналишига мувофиқ касб фаолияти соҳаларида эришилган асосий ютуқлар ва уларнинг истиқболлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиши;

– ресурслар чекланганлиги – иқтисодиётнинг бош муаммоси, бозор ва бозор иқтисодиёти, талаб ва таклиф, бозор мувозонати, максимал ва минимал нархлар, талаб ва таклиф эластиклиги, эластиклик назариясини амалда қўллаш;

– асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ва уларни ҳисоблаш, иқтисодий даврлар ва иқтисодий тебранишларнинг сабаблари, меҳнат бозорида мувозанат, ишсизликнинг иқтисодий оқибатлари;

– иқтисодий ғояларнинг асосий оқимлари эволюциясининг хусусиятлари ва тенденциялари, миллий иқтисодиёт ва унинг макроиқтисодий ўлчамлари, иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланиш муаммолари юзасидан назарий хулосалар чиқариши;

– статистика амалиётида қўлланиладиган иқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланиши;

– жаҳон хўжалиги ва халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасида маълумотлар йиғишни ташкиллаштириш ва уларнинг сифатини баҳолашни билиши;

– макроиқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш, макроиқтисодий моделларнинг ўзгарувчиларини аниқлаш ва тенгламаларини тузиш кўникмаларини шакллантириши;

– режалаштириш, ташкил этиш, мотивациялаш ва мувофиқлаштириш, бозор ҳолати ҳақида ахборот тўплаш ва қайта ишлаш, маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, пул, банклар, қимматли қоғозлар, молия бозорлари, суғурта фаолияти кўрсаткичларини таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириши;

– хўжалик юритувчи субъектларнинг маблағлари, уларнинг ташкил топиш манбалари, иқтисодий салоҳиятини баҳолаш, хўжалик субъектларида молиявий ва бошқарув ҳисобини юритиш ва таҳлил қилиш бўйича билимларни шакллантириши;

– бюджет-солиқ сиёсатининг таркиби, унинг ишлаб чиқилиши, амалга оширилиши ва асосий йўналишлари, инвестицияларни жалб қилиш ва баҳолашнинг стратегик ва тактик усулларини билиши;

– молия тизими ва молиявий бошқарувнинг ўзига хос жиҳатлари, молиявий режалаштириш ва тартибга солиш, молиявий назорат;

– ижтимоий суғурта бўйича тўловлар ва ажратмаларни ҳисоблаш ҳамда ҳисобини юритиш;

– давлат мақсадли жамғармалари фаолиятини ташкил этиш ҳақида тасаввур ҳосил қилиши лозим.

**Ихтисослик фанлар блоки:**

– тегишли бакалавриат таълим йўналиши бўйича махсус билимларни, касб фаолияти кўникмалари ва уқувларини шакллантириши;

– пенсиянинг моҳияти ва функциялари, давлат пенсия таъминоти тизими ва жамғариб бориладиган пенсия тизими, давлат бюджети тузилмаси, унинг таркиби, даромадларининг манбалари ва харажат йўналишлари, бюджет жараёнини ташкил этиш асослари, бюджет ташкилотлари харажатларини режалаштириш ва тўловларини амалға ошириш, бюджет назоратини ташкил қилиш бўйича билимларни шакллантириши;

– ижтимоий таъминотнинг мазмуни, шакллари, ижтимоий таъминотни маблағ билан таъминлаш манбалари ва йўналишлари бўйича билимларни шакллантириши;

– ижтимоий таъминот тизимида пенсия таъминотини бошқариш назарияси ва амалиёти, бошқариш органлари фаолияти, Пенсия жамғармасининг функционал

вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, Пенсия жамғармаси даромадларининг шаклланиши ва харажат йўналишларини иқтисодий таҳлил қилиш бўйича кўникма ҳосил қилиши;

– Пенсия жамғармаси фаолияти, бюджет тизими бюджетлари, давлат пенсия таъминоти, ижтимоий таъминоти, ижтимоий суғурта, давлат пенсиялари ва ижтимоий нафақалар, давлат мақсадли ва бюджетдан ташқари жамғармалар бўйича билим ва кўникма ҳосил қилиши;

– ижтимоий таъминот тизимида давлат пенсиялари, уларнинг турлари, пенсияларни ҳисоблаш, тайинлаш, тўлаш тартиблари ва механизмлари бўйича билим ва кўникмаларни шакллантириши;

– таълим йўналиши негизидаги муайян магистратура мутахассислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга онгли муносабатда бўлишига кўмаклашиши лозим.

Ихтисослик фанларининг дастурларини ишлаб чиқишда кадрлар буюртмачиларининг талаблари эътиборга олинади.

**Қўшимча фанлар блоки**

– таълим йўналиши талабаларнинг умумкасбий ва ихтисослик фанлари бўйича қўшимча равишда чуқур билим олишга бўлган эҳтиёжини қондириши;

– меҳнат бозорида рақобатбардошликни таъминлаши ҳамда таълим хизматлари соҳалари ривожини жадаллаштириши;

– таълим сифатига қўйилаётган талаблар ва меҳнат бозори конъюнктураси тез ўзгараётган шароитда бакалавриат таълим йўналишлари бўйича ўқув режалар ва фан дастурларининг сафарбарлиги ва мослашувчан бўлишини таъминланиши;

– касбий фаолият стратегияси ва тактикасини тўғри танлай олиш, касбий нуқтаи назарнинг барқарорлигини таъминлаши лозим.

**Танлов фанлари:**

*Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари ва соҳа мутахассисларининг таклиф ва талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар олий таълим муассасаси Кенгаши томонидан белгиланади.*

**3.2. *5231300 – Пенсия иши* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми**

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 36 соатгача қилиб белгиланиши мумкин.

Ўқишнинг норматив муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланади:

| | |
|---|---|
| назарий таълим – | 63 - 70%; |
| аттестация – | 8 - 10 %; |
| таътил – | 12 - 16 %; |
| малака амалиёти – | 6 - 12 %; |
| битирув малакавий иши – | 2 - 3%. |

Назарий таълим ҳажми “Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ” билим соҳасига мувофиқ фанлар блоклари бўйича қуйидагича тақсимланади:

| | |
|---|---|
| гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар – | 10 - 15 %; |
| математик ва табиий-илмий фанлар – | 10 - 15 %; |
| умумкасбий фанлар – | 50 - 55 %; |
| ихтисослик фанлар – | 15 - 20 %; |
| қўшимча фанлар – | 5 - 7 %. |

Ўқув йилида таътил даврининг умумий ҳажми 6 - 10 ҳафта қилиб белгиланади.

Илова

*5231300 – Пенсия иши* **таълим йўналиши бўйича таълим дастурининг тузилиши**

| Т/р | Фанлар блоклари ва интеграллаштирилган курслар | Умумий юклама-нинг ҳажми, соат-ларда |
|---|---|---|
| **1.00** | **Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар** | **968** |
| 1.01 | Ўзбекистон тарихи | 92 |
| 1.02 | Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси | 60 |
| 1.03 | Диншунослик | 60 |
| 1.04 | Фалсафа | 120 |
| 1.05 | Фуқаролик жамияти | 92 |
| 1.06 | Ўзбек (рус) тили | 124 |
| 1.07 | Хорижий тил | 300 |
| 1.08 | Жисмоний маданият* | 120 |
| **2.00** | **Математик ва табиий-илмий фанлар** | **930** |
| 2.01 | Ахборот-коммуникация технологиялари | 318 |
| 2.02 | Иқтисодчилар учун математика | 252 |
| 2.03 | Иктисодий математика | 240 |
| 2.04 | Эконометрика асослари | 120 |
| **3.00** | **Умумкасбий фанлар** | **3774** |
| 3.01 | Иқтисодиёт назарияси | 272 |
| 3.02 | Микроиқтисодиёт | 188 |
| 3.03 | Макроиқтисодиёт | 188 |
| 3.04 | Статистика | 188 |
| 3.05 | Менежмент. Маркетинг | 252 |
| 3.06 | Молия | 126 |
| 3.07 | Молиявий менежмент | 126 |
| 3.08 | Пул ва банклар | 126 |
| 3.09 | Молиявий ва бошқарув ҳисоби | 252 |
| 3.10 | Молиявий таҳлил | 252 |
| 3.11 | Солиқлар ва солиққа тортиш | 126 |
| 3.12 | Молия бозори | 126 |
| 3.13 | Инвестиция | 188 |
| 3.14 | Бюджет ҳисоби | 104 |
| 3.15 | Ижтимоий суғурта | 188 |
| 3.16 | Аудит | 104 |
| | *Танлов фанлари* | *968* |
| **4.00** | **Ихтисослик фанлари** | **1400** |
| 4.01 | Давлат бюджети | 312 |
| 4.02 | Ижтимоий таъминот | 252 |
| 4.03 | Ижтимоий таъминот тизимида пенсиялар | 228 |
| 4.04 | Пенсия жамғармаси фаолияти | 126 |
| 4.05 | Давлат мақсадли ва бюджетдан ташқари жамғармалар | 252 |
| | *Танлов фанлари* | *230* |
| **5.00** | **Қўшимча фанлар** | **380** |
| | **Жами** | **7452** |
| | **Малакавий амалиёти** | **918** |
| | **Битирув малакавий иши ҳимояси билан** | **216** |
| | **Аттестациялар** | **918** |
| | **Жами** | **2052** |
| | **ХАММАСИ** | **9504** |

## Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7 Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

**Таянч сўзлар:**

пенсия, ижтимоий таъминот тизими, пенсия таъминоти, пенсиянинг турлари, давлат ижтимоий суғуртаси, ёшга доир пенсия ва нафақалар, боқувчисини йўқотганлик учун пенсия ва нафақалар, ногиронлик пенсиялари ва нафақалари, имтиёзли шартлардаги пенсиялар, пенсия таъминотини тартибга солувчи ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, имтиёзли пенсиялар, иш ҳақи, иш ҳақининг якка тартибдаги коэффициенти, ўртача ойлик иш ҳақи, пенсиянинг таянч миқдори, иш стажи, махсус иш стажи, пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилди, пенсияга устама, пенсия тайинловчи органлар, фуқаронинг яшаш жойи, қонуний вакил, пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилди турадиган жой, пенсия тайинлашни сўраб мурожаат этиш, банд шахс, ходимнинг қарамоғидаги оила аъзоси, ижтимоий нафақа, Пенсия жамғармаси, аҳоли, демографик омиллар, жамғариб бориладиган пенсия таъминоти, жамғариб бориладиган ихтиёрий пенсия бадаллари, жамгариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи, даромад, харажат, замонавий тадқиқот методлари, ахборот ва замонавий педагоғик технологиялар, моделлар, интерактив хизматлар.

**Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари**

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**
**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини Ривожлантириш маркази**

**Директор ____________ проф. Б.Ҳ.Раҳимов**

201_7_ йил «_10_» _08_

**Тошкент молия институти**

**Ректор ____________ Н.Х.Хайдаров**

201_7_ йил «_10_» _август_

**КЕЛИШИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Ижро этувчи директори

**______________ Д.Ш.Султанов**

201_7_ йил «_12_» _август_

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи

**____________ Ж.М.Зуфаров**

201_7_ йил «_12_» _август_

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Чилонзор тумани бўлими бошлиғи

**____________ Г.М.Мурадова**

201_7_ йил «_12_» _август_

***5231300 – Пенсия иши*** **бакалавриат таълим йўналиши ва** ***5A231301 – Пенсия иши*** **магистратура мутахассислиги учун янгидан яратиладигаи малака талабларига киритиладиган кадрлар истеъмолчиларининг таълим йўналиши битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)**

| т/р | Вазирлик (идора)нинг ташкилот (корхона)лари учун кадр тайёрланаётган бакалавриат таълим йўналиши | | Вазирлик (идора)нинг таълим йўналиши битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари) |
|---|---|---|---|
| | **шифри** | **номи** | |
| **1** | **2** | **3** | **4** |
| **1.** | **5231300** | **Пенсия иши** | – Битирувчи қуйидаги касбий компетенция ва қобилиятларга эга бўлиши керак:<br>– давлат пенсия тизими соҳасидаги касбий билимларни амалда қўллаш;<br>– пенсия таъминоти тизимига доир ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар мазмуни ва моҳиятини билиш, пенсия ҳуқуқини чуқур ўзлаштириш;<br>– давлат пенсия тизими соҳасида қарорлар қабул қилишда иштирок этиш;<br>– фан ва техниканинг замонавий ривожланиши шароитларида пенсия тизими соҳасидаги янги билимларни тезкор эгаллаш;<br>– пенсия тизими соҳасидаги махсус амалий дастурий воситаларни амалда қўллаш;<br>– ўз билими ва маҳоратларидан пенсия таъминоти тизими хизматларининг юқори сифатини таъминлаш ва бошқаришда фойдаланиш;<br>– пенсия тизими фаолияти натижаларини тўғри баҳолай олиш;<br>– пенсия тизими асосий иқтисодий, ижтимоий, демографик кўрсаткичларини ҳисоб-китоб қилиш учун зарур дастлабки маълумотларни тайёрлаш;<br>– бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бюджетини прогнозлаш мақсадида молиявий кўрсаткичларни ҳисоблаш усулларидан (математик моделлаштириш, эконометрик прогнозлаш усуллар) фойдаланиб, амалда қўллаш;<br>– пенсия тизими молиявий ресурсларининг ҳажми ва шаклланиш манбаларини |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | аниқлаш бўйича ҳисоб-китобларни юритиш;<br>– бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бюджети лойиҳасини тузишда қатнашиш;<br>– фуқароларга пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсация тўловлари ва бошқа тўловларни тайинлаш, улар микдорларини қайта ҳисоблаб чиқиш;<br>– пенсиялар ва ижтимоий нафақаларни тайинлаш ва қайта ҳисоблаб чиқиш учун зарур бўлган ҳужжатларни қабул қилиш ва уларни қонун ҳужжатларига мувофиқ расмийлаштириш;<br>– пенсиялар ва ижтимоий нафақаларни тайинлаш учун юридик шахслар ва фуқаролар томонидан тақдим этилган ҳужжатларни белгиланган тартибда тайёрлаш, кўриб чиқиш ва текшириш;<br>– пенсиялар тайинлаш бўйича комиссиялар қарорлари асосида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда пенсияларни тайинлаш ва уларни қайта ҳисоблаб чиқиш;<br>– пенсиялар ва ижтимоий нафақалар тайинлаш учун ҳужжатларни расмийлаштиришнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибига риоя этилишини назорат қилиш;<br>– корхона ва ташкилотларнинг пенсиялар, давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар олиш ҳуқуқини берадиган ҳужжатларнинг ишончлилигини текшириш;<br>– пенсиялар ва ижтимоий нафақаларни ҳисоблаб чиқиш бўйича операцияларни амалга ошириш ва уларни тўлаш юзасидан топшириқларни расмийлаштириш;<br>– алоқа ташкилотлари, банклар томонидан пенсиялар ва ижтимоий нафақаларнинг ўз вақтида ва тўғри етказиб берилиши ҳамда тўланиши юзасидан мониторинг ва назоратни амалга ошириш;<br>– фуқароларга бола туғилганда бериладиган нафақалар ва дафн маросими нафақаларини ҳисоблаш;<br>– бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бюджетидан амалга ошириладиган тўловларга харажатларни молиялаштириш тартибларини билиш;<br>– пенсия таъминотининг ягона ахборот тизимидан самарали фойдаланиш;<br>– Пенсия жамгармаси тизимида “WS Personal” дастури; “SMS-pensiya” ахборот тизими; жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими иштирокчилари учун “SMS- |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | xabarnoma" хизмат тури; Пенсия жамғармасининг – pfru.uz – расмий веб-сайти; Пенсия жамғармаси тизимида ташкил этилган "Ишонч телефони" ҳамда "PK Pensiya" дастурий мажмуида ишлаш кўникмаларига эга бўлиш;<br>– пенсия тизими соҳасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда қатнашиш, фуқаролар пенсия таъминоти масалалари бўйича замонавий назарий ишланмаларни ва хорижий тажрибани ўрганиш;<br>– пенсия тизими соҳасида иш сифати учун масъулиятни ҳис қилиш, ўз билимлари ва маҳоратидан сифатни бошқариш бўйича фойдалана олиш;<br>– пенсия тизими соҳасига оид муаммоларни еча олиш;<br>– илмий манбаларга асосланган ҳолда пенсия тизимида инновацион ва фундаментал тадқиқотлар олиб бориш ва бошқалар. |
| **2.** | **5A231301** | **Пенсия иши** | **Битирувчи қуйидаги касбий компетенция ва қобилиятларга эга бўлиши керак:**<br>– давлат пенсия тизими соҳасида қарорларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;<br>– замонавий ахборот технологияларининг илғор ютуқларини пенсия тизими амалиётига татбиқ этиш;<br>– пенсия таъминоти тизими хизматлари сифатини таъминлаш;<br>– пенсия тизими фаолияти натижалари юзасидан бошқарув қарорларини қабул қилиш;<br>– пенсия ҳуқуқини чуқур ўзлаштириш;<br>– пенсия тизими асосий иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилиш, маълумотларни тизимлаштириш ва кўрсаткичларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқлаш;<br>– бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бюджети даромад ва харажатлари прогноз кўрсаткичларини тузиш;<br>– фуқароларга пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсация тўловлари ва бошқа тўловларни тайинлаш ва ҳисоблашнинг инновацион усулларини яратиш ва татбиқ этиш;<br>– пенсиялар ва ижтимоий нафақаларни тайинлаш ва қайта ҳисоблаб чиқиш учун зарур бўлган ҳужжатларни кўриб чиқиш, текшириш, қабул қилиш, расмийлаштириш ва тайёрлаш ишларини самарали ташкил этиш; |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | – пенсиялар ва ижтимоий нафақалар тайинлаш учун ҳужжатларни расмийлаштиришнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибига риоя этилишини назорат қилиш ва ишончлилигини текшириш;<br>– масъул ташкилот ва муассасалар томонидан пенсиялар ва ижтимоий нафақаларнинг ўз вақтида ва тўғри етказиб берилиши ҳамда тўланиши юзасидан мониторинг ва назоратини ташкил этиш ва бошқариш;<br>– бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бюджетидан амалга ошириладиган харажатларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш;<br>– пенсия тизими соҳасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш;<br>– пенсия тизими соҳаси муаммоларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар бериш;<br>– пенсия тизимида ходимларни ягона мақсад сари етаклаш, фаолиятни самарали ташкил этишнинг илмий-инновацион усулларини татбиқ этиш;<br>– пенсия тизимида қўлланилаётган интерактив хизматлар ва ахборот технологияларини такомиллаштириш;<br>– пенсия тизимида инновацион ва фундаментал тадқиқотлар олиб бориш, уларнинг натижаларини амалиётга татбиқ этиш ва бошқалар. |

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижро этувчи аппаратининг Пенсия таъминотини ташкил этиш бошқармаси бошлиғи** **Ш.З.Давронов**

HUJJATLAR UCHUN

**Тошкент молия институти ўқув ишлари бўйича проректори** **И.Н.Қўзиев**

**Тошкент молия институтининг *5231300 – Пенсия иши* бакалавриат таълим йўналиши ва *5А231301 – Пенсия иши* магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқувчилар ҳамда кадрлар истеъмолчилари ўртасида**

## КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ

**Тошкент шаҳри** **“12” 08 2017 й.**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамгармаси ижро этувчи аппаратининг Пенсия таъминотини ташкил этиш бошқармаси бошлиғи Ш.З.Давронов ва Тошкент молия институти ўқув ишлари бўйича проректори И.Н.Қўзиев, мазкур келишув далолатномасини қуйидагилар ҳақида туздик:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури ижросини таъминлаш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Дастури”нинг III қисми ҳамда 2017 йил 5 майдаги “2017/2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги ПҚ-2955-сонли Қарори, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли Қарорларида ҳамда Вазирликнинг 2017 йил 6 майдаги 294-сонли, 30 майдаги 356-сонли, 19 июндаги 407-сонли буйруқлари ижросини таъминлаш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази Тошкент молия институти, турдош олий таълим муассасалари ҳамда тегишли соҳа ва тармоқлар бўйича кадрлар истеъмолчилари билан биргаликда ташкил қилинган ишчи-гуруҳлар томонидан “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори”га муврфиқ ишлаб чиқилган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари ишлаб чиқилди.

2. *5231300 – Пенсия иши* бакалавриат таълим йўналиши ва *5А231301 - Пенсия иши* магистратура мутахассислигининг малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси мутахассислари ўз фикр-мулоҳазалари билан иштирок этганлар.

3. Юқорида қайд этилган малака талаблари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамгармаси мутахассислари томонидан мазмунан ўрганилди ҳамда уларни маромига етказиш мақсадида тегишли таклифлар билдирилди. Асосий кадр истеъмолчи сифатида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг мутахассисларининг таклифлари *5231300 – Пенсия иши*

бакалавриат таълим йўналиши ҳамда *5А231301 – Пенсия иши* магистратура мутахассислигининг малака талаблари ва ўқув режаларини мукаммаллаштиришда инобатга олинди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда мазкур малака талаблари ва ўқув режаларини ўқув жараёнларига татбиқ этиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижро этувчи аппаратининг Пенсия таъминотини ташкил этиш бошқармаси бошлиғи** **Ш.З.Давронов**

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи** **Ж.М.Зуфаров**

**Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Чилонзор тумани бўлими бошлиғи** **Г.М.Мурадова**

**Тошкент молия институти ўқув ишлари бўйича проректори** **И.Н.Қўзиев**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази, Тошкент молия институти ва турдош олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларига берилган**

# ТАҚРИЗ

